БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 29 май Сешанба
№ 100. (13.536).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида АХБОРОТ

1990 йил 28 май куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XX пленуми бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. С. Ефимов Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездига тайёргарлик ва уни ўтказиш масалалари тўғрисида ахборот берди.

Пленум Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегатларидан бўлажак съезднинг асосий ҳужжатларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Компартиясининг сайлаб қўйиладиган органлари таркибига таклифларни ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи комиссия тузди.

Кун тартибидаги барча масалаларни муҳокама қилиш юзасидан музокараларда Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг Раиси Т. А. Ешимбетова, Фарғона вилоят партия комитетининг биринчи секретари Ш. М. Йўлдошев, Бухоро вилоят партия комитетининг биринчи секретари Д. С. Едгоров, Ўзбекистон ССР прокурори Д. А. Усатов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳ. Ҳамидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. А. Попов, Қашқадарё вилоятининг Китоб районидаги Навоий номли совхоз директори Қ. Ашуров, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси В. И. Таранторова, Ўзбекистон ССР Олий Совети Транспорт ва алоқа доимий комиссиясининг раиси Ғ. З. Заҳриддинов, Самарқанд вилоятининг Нурота районидаги «Қизилча» совхозининг директори М. Нурбоев, Хоразм вилоят партия комитетининг биринчи секретари Р. Худойберганова, Фарғона вилоят ижроия комитети ижтимоий таъминот бўлимининг мудири У. Бегматов, Жиззах вилоятидаги Пахтакор район партия комитетининг биринчи секретари Б. Тожиев, Тошкент Давлат дорилфунуни кафедра мудири Л. Қаюмов, Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси ҳайъатининг раиси Б. Қориева, Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. Абдувосиқов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзоси қилиб сайланди.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми шу билан ўз ишини тугаллади.

Таҳрирсиз жавобталаб мактублар

«ДАВЛАТ ЕРИНИНГ ЭГАСИ ЙЎҚ-ДА»

Бу хатни «Сариосиё» давлат хўжалигининг, ишчиси Бобоназаров Абдусаломдан деб билгайсиз, ҳурматли «Ёш ленинчи» ходимлари.

12 апрель куни тушга яқин хатлар бўлимига телефон билан мурожаат қилган эдим. «Хат билан мурожаат қилинг» дейишди. Мана энди хат ёзаяпман.

Давлат хўжалиги директори ўртоқ Мамадали Турсуновга ўтган йили кузида «ижарага 2 гектар ер беринг», деб ариза ёздим. «Энг ҳосилсиз ерни бераман. Биринчи йил 1 гектар ердан 20 тонна картошка ҳосил берасан. Ҳар йили гектарига 20 фоиз қўшиб берасан ва бешинчи йилга бориб 35 тонна картошка берасан» деди.

СССРда картошка ҳосили ҳар гектар ердан ўртача 7,7 тонна, АҚШда ўртача кўрсаткич 35 тонна. Раҳматли Н. С. Хрущев билан Л. И. Брежнев қарийб 30 йил давомида қувиб етолмаган Қўшма Штатларни мен 5 йилда етишим керак экан.

«Ҳар гектар ердан 2 минг сўмдан соф даромад бераман» десам ҳам кўнмайди.

«1990 йил 10 апрелдан бошлаб 5-бригадага 9 гектар ток кўчати экиляпти. Шу токларни ижарага беринг, ўстириб берай» десам «5 гектарини берамиз токни ичига сабзавот экиб, ҳар гектаридан 1800 сўмлик маҳсулот берасан» дейди. Қарийб йилни ўртасига келиб бундай дейиши тушимга кирибдими?! Ваҳоланки, «Ҳар гектар ердан 2 минг сўмдан соф даромад берай» деганимда кўнмовди.

Мен «картошка экаман» деган жойга яъни 5 гектар ерга перко экишди, перко кўкармади. Ерни ҳайдаб бошқатдан лавлаги экишди. Ўтган йили 4-бригадада эса қарийб 10 гектар ерга ток кўчати экишган эди. У ҳам кўкармай қуриб кетди. Бу йил яна бошқатдан экдик.

Давлатники қуриб, қовжираб кетса-кетаверсин, экса чиқмаса-чиқмасин экан. Бунинг учун ҳеч ким жавоб бермас экан. Чунки давлатнинг ерига эга йўқ-да, акт бўлиб кетаверади.

Аммо ижарачига 1 гектар ер бериш йўқ. Чунки ижарачига ер беришса, хўжалик раҳбари ҳокимиятдан маҳрум бўлади. Буни мен ҳам тушунаман. Улар ҳам.

Маҳаллий раҳбарлар томонидан ижарага қарши шундай важ-корсонлар, маккорликлар ўйлаб топиляпти-ки, асти қўяверасиз! Кўпинча ижарачи тузоққа тушиб қолади ва раҳбарлар халққа қарата «мана кўрдингми, уни аҳволи нима бўлди? Ундан кўра ҳар куни ўз ишингга бориб келавер» дейишади.

Иш ҳақимиз 70 сўмдан ошмайди. Ёзай десам гап кўп. «Антиижарачилар» билан курашда ёлғизлик қилиб қолдим. Ёрдам беришларингизни ўтиниб сўрайман. Қайта қуриш осон эмас экан.

Абдусалом БОБОНАЗАРОВ.
Сурхондарё вилояти,
Сариосиё ноҳияси.

Миллий удумларимиз

Нонни ким қилса азиз, Бўлғай ўзи нондай азиз!

Тушликда нашриётимизнинг нариги биносига бордик. Овқатдан сўнг чой ичаётибмиз. Ишчилардан бири ортиб қолган нон бўлакларини кафтида роса майдалади. Шерикларимиз ҳам уни кузатишарди. Бир маҳал у нон увоқларини пастак томнинг устига ирғитди. Эсиб турган шамолдан ушоқ ҳовлига сочилди. Бу унинг парвосига ҳам келгани йўқ. Бошқа бўлакни майдалаб, ўша ҳолни такрорлади. Нон яна ерга сочилди... Унга танбеҳ бердик. У эса қўлини тебратиб, каптарларга озуқа бераётганлигини айтди. Ўша «меҳрибон» ҳам қийинчиликда улғайганмикан, тенгдошлари каби. Ёки ёши катталарнинг сабоғими бу?

Бир воқеа, уни отам айтганлар. Қишлоқнинг дониши улкан дарахтнинг тагида соялаб турган экан. Қараса бир мусофир отининг устида тебраниб ўтаётибди. «Чанқаб, қорни очгандир бечорани, тўхтаб ўтса бўларди» миясидан шу фикр ўтиб, унинг ҳузурига чиқибди. Йўловчи шошилаётганлигини айтсаям қўймай бир-пиёла чой узатибди.

Чойдан сўнг йўловчи йўлида давом қилибди. Хиёл юргач, очиқибди. Меҳмоннинг ҳуржунида бир бурда нон бор экан. Бисотидаги бурдани олиб эгарнинг устидаёқ, тановвул қилаётганида кичкина бир увоқ думалаб ерга тушибди. Роса излагани билан қанийди у топила қолса. Бўлмагач, ўша ерга чакмонини ёпиб кетибди.

Эртаси барвақт яна излабди. Ушоқ йўқ. Сув келтириб лой қилибди-да, ўша ерни девор-ла ўрабди...

Гўёки, бу эртакка ўхшайди. Аммо бўлган воқеа. Ўша ўраган жой яқиндагина бульдозерда суриб ташланди...

Тан олишга мажбурмиз. Бизда нонга ҳурмат сусайди. Энди у турли чиқиндиларга қоришиб ётиши оддий ҳолга айланган. Кўча четларидаги нон бурдаларини териб олаётганлар кўзимизга исқирт бўлиб кўринади. Йўқ, дўстим. Бу нотўғри. Нон учун кўканаги кесилган буюк зот у!

Т. Лутфуллаев туширган тасвирлар шу воқеаларни эсга солди. Айтмоқчи, суратларда: Тошкентнинг «Шарқ юлдузи» маҳалласида истиқомат қилувчи онахон М. Камолова пойтахтда бўлиб ўтган «Нонни ким қилса азиз, бўлғай ўзи нондай азиз» кўрик баҳсида нон ҳақида ғазал ўқимоқда. Пастдаги суратларда эса баҳс қатнашчиси тошкентлик Тоҳир Турдиев (у диплом билан тақдирланди) ва андижонлик ҳамда бухоролик нонвойлар элга тақдим этган нонлар.

Қурбон АЛИ.







ҒАФЛАТДА ҚОЛМАСЛИК УЧУН

Илгари хабар берилганидек, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков СССР Олий Советининг сессиясида «Мамлакатнинг иқтисодий аҳволи ва бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш тадбирлари тўғрисида» доклад қилди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш ва шу билан боғлиқ қийинчиликлар самарали ва оператив ҳимоя чораларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Ўзбекистон ССР Министрлар Советида бўлиб ўтган кенгайтирилган кенгашда шу ҳақда гап борди. Унда СССР ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари, жумҳурият ҳокимиятининг қонун чиқарувчи олий органи доимий комиссияларининг раислари, министрликлар ва идораларининг раҳбарлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг масъул ходимлари қатнашдилар. Ўзбекистон ССР Президенти, жумҳурият Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов кенгашда нутқ сўзлади.

Ушбу кенгаш материалларини эълон қилиш чоғида муаммоларнинг ҳар бир регион, жумҳурият учун, ҳар бир шаҳар ва район учун мураккаблигига ва ўзига хос жиҳатларига эътиборни қаратмоқчимиз. Ҳозирги вақтда энг асосий масала шундан иборатки, бозор иқтисодиётига ўтиш ва у билан боғлиқ бўлган жараёнлар, аввало, бозор иқтисодиётига ўтишнинг бозорга, аҳолининг турмуш шароитига, унинг фаровонлигига таъсири ҳам қонун чиқарувчи, ҳам ижро этувчи органларнинг диққат марказида бўлиши керак. Шу сабабли ҳозирги вақтда Марказий Комитет раҳбарияти ва ҳукумат, Олий Советнинг доимий комиссиялари жумҳуриятдаги аҳолининг барча тоифалари манфаатларини ва аввало, аҳолининг қийин шароитда яшаётган қисми (камбағаллар, кўп болали оилалар, ногиронлар, пенсионерлар, студентлар ва катталарнинг қарамоғидагилар)нинг манфаатларини ҳисобга олишни таъминлайдиган, зарарни қоплайдиган ва имтиёз берадиган тадбирларнинг мажмуасини кўзда тутувчи ҳимоя чораларини ишлаб чиқмоқдалар.

Кенгашда ана шундай чора-тадбирларни ишлаб чиқмай туриб ва уларни халқ билан, жумҳурият, вилоятлар, шаҳарлар, районлар фаоллари билан муҳокама қилмай туриб, тушаётган таклифларни ҳисобга олмай туриб, Ўзбекистон шароитида бозор иқтисодиётига ўтишни ҳал қилиб бўлмаслиги алоҳида таъкидланди. Ҳозирги вақтда энг муҳими—ваҳимага йўл қўймаслик, бу масалани жиддий ва чуқур ўрганишдан, уни муҳокама қилишда одамлар қаерда ишлашлари ва касбларига қарамай, мумкин қадар кўпроқ иштирок этадиган қилишдан иборат. Бу вазифа сайлаб қўйиладиган барча идоралар ва ўзларига депутатлик мандатини ишониб топширган кишиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган барча босқичдаги депутатларнинг диққат марказида бўлиши лозим.

Кенгашда бозор муносабатларига ўтиш жўн бўлмаслиги таъкидланди. Ҳар бир жумҳуриятда, вилоятда фақат ўзига хос бўлган муаммолар мавжуд. Шунинг учун ҳам «ўртача» деб аталган кўрсаткичлар Ўзбекистон учун тўғри келмайди. Масалан, бир регионда аҳоли жон бошига гўшт истеъмол қилиш 70 килограмм бўлса, бошқасида — 30 килограмм. Аҳолини касалхоналар, мактабгача тарбия болалар муассасалари билан таъминлашда ҳам аҳвол шундай. Ёки бўлмаса иқлимни олиб кўрайлик: Фарғона водийсидаги кўрсаткич бошқа-ю, Қашқадарё областидаги кўрсаткич бутунлай бошқача. Ҳар бир рақам ортида аниқ одамлар туришини унутмаслик керак. Жумҳурият раҳбарияти ўтиш даври учун ишлаб чиқаётган ҳимоя чораларининг моҳияти ҳам худди шунда.

Илгари жумҳуриятимиз кўпинча турли тажрибаларнинг ўзига хос «гарови» бўлиб қолганлиги айтиб ўтилди. Машъум «етиб оламиз ва ўзиб кетамиз» шиори дастлаб Ўзбекистонда қўллаб-қувватланди, иқтисодиётнинг қандайдир янги шаклига ўтишни ҳам жумҳуриятда сўзсиз маъқуллашаверди.

Ичкиликбозликка қарши курашда ҳам биз биринчилар қаторида бордик. Яъни Иттифоқ кабинетларида қандайдир қарор қабул қилинса, Ўзбекистонда бунга эътироз билдиришмайди, у ердаги халқ итоаткор, дейишар эди. Тўғрироғи, халқнинг ўзи эмас, балки жумҳурият раҳбарлари итоаткор эди. Binобарин, улар юқоридан берилган кўрсатмаларни муддатидан олдин бажариш ёки ошириб бажариш учун ҳамма ишни қилар эдилар. Шу сабабли ҳозирги вақтда жумҳурият иқтисодиётини қайси йўналишда ривожлантириш зарурлигини белгилаб олиш масаласи биринчи даражали аҳамиятга эгадир. 20 миллионлик аҳоли бўлажак ўзгаришларнинг жўшқин оқимида ўзини ночор сезишига йўл қўйиб бўлмайди. Бинобарин, бу ишда ҳар бир киши ва аввало, халқ ишониб ваколат бериб қўйган кишилар унинг манфаатларини ҳимоя қилишда қаттиқ туришлари лозим.

Кенгаш қатнашчиларининг эътибори норасмий ташкилотларга қаратилди. Кўпгина жиҳатлардан уларнинг мақсади расмий ҳокимият мақсадига ўхшашдир, аммо кўпинча суҳбат мутлақо асоссиз равишда гўё бошқа-бошқа тилларда олиб борилмоқда. Жумҳурият раҳбариятининг мақсади нимада? Бу — Ўзбекистон аҳолисининг фаровонлигини ошириш, жумҳурият иқтисодиётини юксалтириш, унинг обрўсини, сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашдир. Агар норасмий ташкилотлар ҳам ана шундай мақсадни ўз олдиларига қўйган бўлса, бу соҳада ўзаро келишиб, биргаликда иш олиб бориш зарур.

Бироқ шуни аниқ билиб олиш керакки, иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлмай туриб, сиёсий мустақиллик тўғрисида гапириш — хом хаёлликдир. Олдин одамларнинг турмуш даражасини ошириш, миллий даромадни кўпайтириш керак.

(Давоми иккинчи бетда).

ҒАФЛАТДА ҚОЛМАСЛИК УЧУН

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Энг муҳими — Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан мустақил, ўз ҳудудида яшовчи халқни ҳимоя қилишга ва таъминлашга қодир бўлиши керак. Масалани бошқача ҳал қилиш керак: мустақиллик оғизда эмас, балки амалда бўлиши учун, бу ерда қайта ишланган нарсаларнинг ҳаммаси жумҳуриятнинг ўзида қолиши учун, одамларни иш билан таъминлаш, уларнинг малакасини ошириш, халқ хўжалиги йўналиши ва структурасини ўзгартириш, халқаро алоқаларга ўтиш, корхоналарни замонавий техника ва илғор технология билан жиҳозлаш учун бозор иқтисодиёти чоғида Ўзбекистон барча моллар, аввало, озиқовқат маҳсулотлари билан таъминланишига кафолат берилиши керак.

Нотиқ пахтачилик муаммоларига батафсил тўхталиб ўтди. Маълумки, ҳукумат программасида нархларни тартибга солиб туриш масалаларини ҳал қилиш кўзда тутилган. Хусусан, пахта хом ашёси нархини 46 фоиз ошириш режалаштирилган. Бир тонна пахтанинг нархи оширилиб, 1539 сўмгача етказилиши режалаштирилмоқда. Бир қарашда бу яхшидек туюлади. Лекин, айни вақтда, ёқилғи, металл, бинокорлик материаллари нархини тағин ҳам ошириш кўзда тутилмоқда. Хуллас, аслини олганда, бу соҳада аҳвол яхшилик сари ўзгармайди. Шу боисдан жумҳурият ҳукумати пахта толаси учун белгилаш кўзда тутилаётган нархни қайта кўриб чиқиш ва энг муҳими, фақат пахта учун эмас, шу билан бирга халқаро бозорда талаб катта бўлган бошқа энг муҳим маҳсулот турлари учун давлат буюртмаси даражасини кескин камайтириш тўғрисидаги масалани СССР Министрлар Совети олдига қўйди.

Пахта экиладиган майдонларни тағин ҳам камайтириб, фақат қишлоқ аҳолисига эмас, шу билан бирга шаҳар аҳолисига ҳам ер участкалари ажратиш режаларини охиригача бажариш керак.

Лекин яна бир масала туғилади. Суверенитет, иқтисодий мустақиллик ҳаракат эркинлигини назарда тутади, лекин одатда, жумҳуриятда пахтанинг қанчаси чет элдаги қайси мамлакатга юборилаётганини аниқ билмайдилар.

Шу билан бирга, ҳар бир вилоят пахта учун чет эл валютаси олиб, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга доир ўткир масалалар ҳал қилинмаган бир пайтда шу валюта ҳисобидан енгил автомашиналар, видеотехника, телефакслар сотиб олишига йўл қўйиш мумкин эмас. Бу масалада ҳукуматнинг фикри бир хил: жумҳуриятда пахта тозалаш саноати ва енгил саноат ходимлари билан Иттифоқдаги, шунингдек, чет эллардаги шериклар ўртасида воситачилик қиладиган Ўзбекистон енгил саноат — хом ашё ташкилотини тузиш зарур. Бу ташкилот ҳар бир пахта тозалаш заводи билан шартнома тузади. Пахтани қимматроқ сотиш учун бозорни, пахтага бўлган талабни пухта ўрганиш лозим.

Нотиқ Ўзбекистонда ташқи савдо ва чет эллар билан алоқа комитетини тузиш зарурлигини айтди. Бу комитет четдан маҳсулот сотиб олиш ва четга маҳсулот сотиш масалалари билан шуғулланади. Жумҳурият валюта жамғармасини тузиш зарур, деб эътироф этилди.

Бошқа муҳим масала — чет эллик шерикларни нималар қизиқтиришидир. Ўзбекистон жаҳон бозорига пахтадан ташқари пилла, ипак, қоракўл тери чиқариши мумкин. Таиланд, Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия ва бошқа мамлакатларнинг намунаси оқилона хўжалик юритиш чоғида иқтисодий юксалишга эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Чет эл фирмалари билан қўшма корхоналар барпо этиш, ҳамкорликнинг бошқа самарали йўлларини қидириш керак.

И. А. Каримов жумҳурият бюджетига алоҳида эътибор берди. Жумҳурият бюджетидаги камомад уч миллиард сўмни ташкил этади. Бозор иқтисодиётига ўтиш чоғида биринчи навбатда даромади ўртача турмуш даражаси учун зарур миқдордан кам бўлган кишилар тоифаси танг аҳволга тушиб қолади. Жумҳуриятда 9 миллион киши ана шундай тоифага киради. Булар — ногиронлар, пенсионерлар, талабалар, техникумларнинг ўқувчиларидир. Бунинг устига Ўзбекистонда пенсионер мамлакатдаги ўртача даражадан 10 сўм кам олади. Нархларнинг оширилиши натижасида келиб чиқадиган тафовутни қандай қоплаш ҳозирча ҳал қилинмаган. Иттифоқ идораларининг қарорларига кўра, бу пул ҳар қандай ҳисоблаганда ҳам энг кам миқдорда бўлади. Уни жумҳуриятлар мустақил равишда оширишлари мумкин. Аммо нималар ҳисобига оширилади?

Шунинг учун ҳам фақат жумҳурият бюджетларинигина эмас, маҳаллий бюджетларни ҳам мавжуд номутаносиблик ва камомаддан ҳоли қилиш ўтиш давридаги энг асосий масаладир. Ҳозирги вақтда бюджетнинг мутаносиб бўлиши — ижтимоий, маиший масалаларни ҳал қилишнинг, аҳолига ёрдам беришнинг асосий шартидир.

Ўзбекистон ССР Президенти ишсизлик муаммосига муфассал тўхталди. У кимларни ишсиз деб эътироф этиш лозимлигини шу вақтгача аниқ белгилаб бермаган иқтисодчиларга, Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитетига, бошқа идораларга асосли таъналар айтди. Бунинг оқибатида рақамлар турлича бўлмоқда, бу эса ана шу тоифадаги одамларга ёрдам беришнинг пухта ўйланган ижтимоий режаларини тузишни жиддий равишда қийинлаштиради. Нотиқ қийин ва олижаноб иш — ёш авлодни тарбиялаш билан шуғулланаётган кўп болали оналар ҳам нархлар ортишидан келадиган зарарни қоплаш учун пул олишлари лозимлигини таъкидлаб ўтди. Улар қишлоқ жойларда ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилишлари мумкин, деган фикр айтилди, масалан, улар хонадонларда 15—20 кишилик болалар боғчаларида ишлашлари мумкин. Ўзбекистонда Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитети билан Ижтимоий таъминот министрлиги бирлаштирилиб, катта хатога йўл қўйилган эди. Ҳозир ана шу хато тузатилди. Эндиликда, энг муҳим масалаларни ҳал қилиш билан шуғулланадиган идоралар аниқ белгилаб қўйилган пайтда ким ишсизлик нафақаси олиш ҳуқуқига эга эканлигини ҳамда давлат ёрдамига муҳтож бўлган барча тоифадаги пенсионерлар манфаатларини ҳимоя қилишни белгилаб қўядиган вақт келди.

Нотиқ жумҳуриятда ишлаб чиқилаётган Ер ва Мулкчилик тўғрисидаги қонунга кўп эътибор берди. Ўзбекистондаги ўзига хос жиҳат шундаки, бу ерда аҳоли тез кўпайиб бормоқда, ер эса етишмайди. У бир мисол келтирди: бир йил ичида Самарқанд вилоятидаги Ургут районидан жумҳуриятнинг турли идораларига 700 киши келди. Баъзан 40—60 гектар ерни икки колхоз ўзаро келишиб, тақсимлаб ололмаётганлиги туфайли муаммолар вужудга келмоқда. Бу мисол жуда характерлидир. Нималарни давлат мулки, қайсиларини колхоз мулки, ҳатто шахсий мулк деб ҳисоблашни белгилаб қўядиган пайт келди. Бу соҳада Ўзбекистон ССР халқ депутатлари, жумҳурият Олий Совети доимий комиссияларининг аъзолари яхши иш олиб боришлари лозим. Уларга ҳар ишда ёрдам ва мадад бериш керак.

Майда корхоналарни, биринчи навбатда аҳолига хизмат кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган тармоқлардаги (савдо, умумий овқатланиш, маиший ва коммунал хизмат ва бошқа тармоқлардаги) корхоналарни сотиб олиб, уларни шахсий мулкка айлантириб сақлашни хоҳлаган кишиларга йўл очиб бериш керак. Айтайлик, корхона қийматининг (масалан, аҳоли учун товарлар ишлаб чиқарадиган корхона қийматининг) 60—70 фоизини давлат мулки сифатида сақлаб қолиб, қолган қисмини акция шаклида шу корхонада ишлайдиган одамларга сотиш, улар учун улушларига кўра имтиёзли ставка белгилаш каби масалани ҳам ўйлаб кўриш керак. Қисқаси омилкорлик билан меҳнат қилиб, пул ишлаб топишни (бундан чўчимаслик керак) хоҳлаган кишиларнинг ташаббусига кенг йўл очиб бериш керак. Бу соҳада энг муҳими ҳаром йўллар билан пул орттирган айрим одамлар бундай корхоналар акцияларини сотиб олиб, шу ҳисобдан яшашларига йўл қўймаслик керак.

Янгиланган совет федерацияси доирасида жумҳуриятлар мустақиллигини кенгайтириш, уларнинг иқтисодий мустақиллиги кимгадир энг қулай шароит яратиб берилишига, бошқаларнинг эса ноқулай шароитга тушиб қолишига олиб бормаслиги лозим. «Тенглар орасида тенг» деган принципга риоя қилиниши зарур. Ўша Болтиқбўйи жумҳуриятларига энг қулай, алоҳида режим яратиб берилганлигини нормал ҳол деб бўладими? Корхона ва ташкилотлар территориал мансублигини ҳисобга олмай, бозор эҳтиёжлари учун ишлашларига йўл қўйиш мумкин эмаслиги ҳам худди шундан келиб чиқади.

Ҳозир Ўзбекистонда халқ хўжалигининг структураси шундайки, ҳар бир корхона технологиядаги изчилликни, энг муҳими эса, территориал манфаатларни ҳисобга олмай, маҳсулотни шу ернинг ўзида қайта ишлаш мумкинлигига қарамай, жумҳуриятдан ташқарига жўнатаверади. Капролактам, нитрон ва бошқа кўп маҳсулотлар шундай қилинмоқда.

Бутун халқ хўжалигини хом ашё етиштирувчи тармоқдан мустақилликка тубдан ўтказиш масаласи кўпдан буён кўндаланг бўлиб турибди. Халқ хўжалиги саноат жиҳатидан ривожланган бўлиши, бу комплекс тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлиши, корхоналар бюджети ва жумҳурият миллий даромади учун даромад манбаи бўлиши керак. Ҳозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистон ҳудудида чет элларнинг илғор технологияларини қўлланиб, фан билан боғлиқ корхоналар барпо этиш тўғрисида ўйлаш даркор. Ўзбекистон учун нималарни ишлаб чиқариш фойдалигу, нималар ишлаб чиқариш фойда бермаслигини ғоят эътибор билан ўрганиш керак. Саноат хом ашё йўналишида бўлганлиги учун ундан жумҳурият хазинасига жуда кам пул тушади. Чунки, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхоналаргина оборот солиғи тўлайди. Шунинг учун ҳам ип газлама ва тўқимачилик саноати рентабелли эмас. Пахта тозалаш саноати уч миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқараётган бўлса ҳам, амалда бюджетга ҳеч нарса бермайди.

Жумҳуриятни янги иқтисодий марраларга олиб чиқиш учун билимдон кадрлар зарур. Саноатимизнинг йўналиши шу қадар тор бўлса, бундай кадрлар қаердан келсин? Тошкентдаги 170 минг нафар ишчидан атиги салкам 7 минг нафари юқори малакалидир, буни нормал ҳол деб бўлмайди. Юқори малакали кадрларни тайёрлаш учун ёшларни мамлакатнинг етакчи корхоналарига ва чет элларга иш ўрганиш учун жўнатиш керак. Бунинг учун бюджет ва валюта маблағи зарур. Аввало, маҳаллий аҳоли орасидан юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий режасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни жадаллаштириш лозим.

Бу режалар жумҳурият аҳолисининг кенг тоифалари орасида ишлаб чиқилиши лозимлиги, айниқса, муҳимдир. Уларнинг маслаҳатлари ва манфаатларини ҳисобга олмай туриб, ҳеч қандай қарор қабул қилинмаслиги лозим. Ҳозирги вақтда нархларнинг ошиши режалаштирилмоқда, қандай молларнинг нархи ошади ва бу одамларнинг турмуш даражасига қандай таъсир кўрсатади, деган савол аҳолини кўпроқ ташвишга солиб турибди. Бу ўринда бир гапни айтиш мумкин: халқ муҳокама қилмай туриб, чакана нархлар оширилишига йўл қўйиш мумкин эмас.

И. А. Каримов бозор муносабатларига ўтиш арафасида жумҳуриятнинг иқтисодий аҳволини муфассал таҳлил қилиб берди. У Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишдаги дастлабки шароит Иттифоқ ўртача шароитидан анча орқада эканлигини таъкидлади. Бу аҳволни тенглаштириб олиш учун жумҳуриятга камида 10 миллиард сўм зарур бўлади. Қандайдир Бутуниттифоқ ёрдам жамғармаси тузилиши тушунарлидир, лекин бу ўткир муаммони ҳал қилишга қодир эмас. Ўтиш давридаги имкониятларни мумкин қадар тезроқ бараварлаштириб олиш, етишмаётган маблағни Ўзбекистонга жўнатиш керак. Айни бир вақтда нархлар ҳисобига жумҳурият иқтисодий имкониятларини мустаҳкамлаш лозим. Тайёр маҳсулотни сотиш бозорини кенгайтириш зарур, бундай маҳсулотни сотиш ҳисобидан муқим фойда олиш мумкин бўлади, бу фойда турли ижтимоий режаларни бажариш учун сарфланади. Бозор иқтисодиёти, ўтиш даврида жумҳурият раҳбарияти кўраётган чора-тадбирлар жумҳурият бутун аҳолисининг фаровонлигини оширишга кўмаклашиши лозим, бу чора-тадбирлар бозор иқтисодиёти қарор топиши даврида ҳимоя ролини ўйнаши мумкин. Ҳамма соҳада зўр ғайрат билан меҳнат қилиш — Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир киши учун энг асосий масала бўлиши керак.

Ўзбекистон ССР Президенти, жумҳурият Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов кенгаш қатнашчиларининг саволларига жавоб қайтарди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиблари А. И. Икромов, Р. А. Попов, Ж. Ҳ. Ҳамидов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари Б. И. Вугров, жумҳурият Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. Д. Берков, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари У. Р. Умарбеков, Б. С. Ҳамидов, Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳурият кенгаши раиси Ҳ. Алимова иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

Бизни ўйлантираётган муаммолар

ҒАЛАТИ ОСОЙИШТАЛИК

Кашшофлар ва ўқувчилар Уйлари ҳамда Саройлари ҳақида жуда кўп ёзилган. Мактабдан ташқари деб аталмиш муассасалар қарийб ҳар бир ноҳияда, жумҳурият шаҳарларида борлиги барчага маълум. Мазкур муассасалар олдида кескин бўлиб турган муаммолар хусусида турли минбарлардан нималарни айтмадик. Ҳеч кимга сир эмаски, кашшофлар уйларининг иккитадан биттаси мослаштирилган биноларга жойлашган. Уларни Уй ёки Сарой дейишга ҳам тил бормайди. Моддий асоси бўш, зарур нарсаларни кундуз куни чироқ ёқиб қидириб тополмайсиз. Кашшофлар уйларида, ёш техниклар, сайёҳлар, натуралистлар ва ҳоказо станцияларида меҳнат қилаётган ва маълум маънода қалб қўрини тўкаётган болажон кишилар иш важидан дуч келаётганлари, юзлаб турли катта-кичик қийинчиликларни қўшимча қилишлари мумкин.

Албатта, кўп нарсани моддий асос, машғулотларни ўтказиш учун яратилган шарт-шароит ҳамда тўгараклар, клублар, секциялар раҳбарларининг ишга муносабати ҳал қилади. Бу, шубҳасиз. Аммо ҳозир мен айрим Кашшофлар уйларида масалага қандай ёндашаётганликлари тўғрисида сўз юритмоқчиман. Айримлар, хайриятки, улар анчагина, болаларни қизиқтириш, жалб этиш учун ҳар қандай имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қилади. Хусусан, Қўқон кашшофлар ва ўқувчилар Уйида, Наманган ёш натуралистлар станциясида ҳамма вақт болаларнинг қувноқ овозлари эшитилади. Улар мамнуният билан тўгарак ва клубларга қатнайдилар. Бу ернинг ўз анъаналари бор. Бунга, Қўқон байналмилал дўстлик клубининг «Қизил атиргул», наманганлик мактаб ўқувчилари ҳар йили ўтказадиган «Табиат неъматлари» байрам-конкурсини мисол қилиб келтириш мумкин. Тантанада иштирок этган ҳар бир мактаб бош кашшофлар етакчиси, тўгарак ва клубларнинг раҳбарлари бу ердан ўзларига маъқул тушадиган юмуш, саволларига эса жавоб топадилар.

Гап шундаки, бу ерда ҳеч қандай ортиқча шарт-шароитлар яратиб қўйилмаган, кўпчиликка таниш муаммолар бу ерда ҳам бор. Аммо ишлаётган кишиларнинг юрак қўри ишга унум, қалбларга ҳаяжон, эзгуликка илинж уйғотаяптики, буни инкор этиб бўлмайди, асло.

Тўғри, зарур шароитнинг йўқлигини рўкач қилиб, бирор нарса ўзгариши учун у ердаги чўпни бу ерга олиб қўймай ҳам кун ўтказиш мумкин. Афсуски, бундай боқибеғам тўгаракчилар ҳам анча. Бир неча йил муқаддам жозибадор бинода жойлашган ва унча-бунча ҳавас қилса арзигулик даражада жиҳозланган Нукус жумҳурият кашшофлар уйида икки марта бўлганман. Мен қайд этган энг биринчи муаммо шу бўлдики, болаларнинг тўгаракларга қатнашиши ёмон аҳволда эди.

Яқинда Дўстлик ноҳияси кашшофлар ва ўқувчилар Уйи ишини атайлаб муфассал ўргандим. Қоғозда 545 кашшофни ўзига бирлаштирган, мен ташриф этган кунларда эса куни билан 26 ўқувчи (уларнинг номлари қоғозда йўқ эди) қатнашганига ўзим гувоҳ бўлганим туфайли бу масканни Кашшофлар уйи, деб аташга тилим бормайди. Ваҳоланки, Дўстликдаги бу кашшофлар уйи ноҳия марказида жойлашган бўлиб, гарчанд мослаштирилган бинода бўлса-да, кўринишидан от ҳуркадиган даражада басавлат. Ноҳияда 14 та мактаб бор. Кашшофлар сони 4150 дан ортади. Уларда ўзларига ёққан бирор тўгаракда қатнашиш истаги йўқлигига ишонмайман. Қоғозга қарасангиз, гўёки қўғирчоқ театри, рус ва ўзбек тили, бичиш-тикиш, туризм каби қатор тўгараклар ишлаб тургани учун унинг раҳбарлари маош олишаяпти. Бироқ, болаларни у ерлардан топиб бўлмади. Балки бу тўгараклар уларни қизиқтирмас? У ҳолда болаларни қизиқтирадиган тўгаракларни очишга ким халақит бераётир?

Йўқ, гап болаларда ҳам, уларнинг қизиқишларида ҳам эмас. Шунчаки, тўгаракчилар жон койитмай, мўмай пул олишга ўрганиб қолишган. Ҳа, мен уларга жиддий айблов тамғасини ёпиштираётганимни тушуниб турибман. Шундай дейишга асосларим бор. Мисоллар келтираман. Шу йил 13 февралдан 16 февралгача қўғирчоқ театрида машғулотлар ўтказилмади. Бичиш ва тикиш тўгарагига рўйхатда қайд этилган 15-20 кишидан бор-йўғи 3-6 бола иштирок этди. Номаълум сабабларга кўра рақс тўгараги раҳбари ишга чиқмади.

Ҳаммасидан ҳам қарийб ўн йиллик педагогик фаолиятимда учратмаганим ҳолат — тарбиячининг болаларни ёлғон гапиришга ўргатганига шу ерда биринчи бор дуч келганим бўлди.

Тўгараклардаги давоматни билиш учун болаларни рўйхат бўйича бирмабир чақираётганимизни олдиндан билган Ш. Шойқулов ўнга яқин кашшофни кўчадан тутиб келиб, уларни обдон пишитган. Яъни, болалар тўгарак қатнашчилари ролини ўйнашлари, рўйхатдаги «фамилияси» ўқилгач, «Мен» дея ўрнидан туриши керак эди. Бироқ хайриятки, болалардан актёр чиқмади — тарбиячининг шўрига шўрва тўкилди.

Директор Н. Шавқиева раҳбарлик қилаётган масканда мана, қандай тарбиячилар ишлашади. Раҳбарлик, бу бўм-бўш қўл билан бошқариш демакдир. Шавқиева эса, машғулотларнинг сифати у ёқда турсин, давоматни ҳамда рўйхатдаги ёзувларни кўздан кечиришга ҳам вақт тополмаган. Бу ерда жадвал тузишнинг ғалати шаклини кашф этишибди. Яъни, жадвал қаламда тўлғазилади, ҳеч ким томонидан тасдиқланмайди, хоҳласанг кел, хоҳламасанг келма, ишқилиб, бу ерда ҳукм сураётган осойишталик бузилмаса бўлди. Тўғри, бу ердан уч юз метр чамаси нарида жойлашган ноҳия комсомол қўмитаси бир марта осойишталикни бузган ҳам эди. Шунга бир ярим йил вақт ўтди. Аниқроғи, 1988 йил 25 ноябрда ноҳия комсомол қўмитаси бюроси «Ноҳия мактаблари кашшофлар дружиналарига методик ёрдам кўрсатиш бўйича ноҳия кашшофлар ва ўқувчилар Уйи иши тўғрисида»ги (25-сонли протокол) масалани эшитиб қуйидаги қарорни қабул қилган эди. Уни сўзма-сўз келтираман.

1. Кашшофлар ва ўқувчилар Уйи иши қониқарсиз топилсин.

2. Ноҳия халқ маорифи бўлими бошланғич фирқа ташкилоти бюросидан директор Н. Шавқиеванинг директорлик лавозимида қолиш-қолмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш илтимос қилинсин (бюро материаллариданги каби).

Шундан бери қанча сувлар оқиб ўтди. Ноҳия комсомол қўмитаси аппарати тўла ўзгарди. Собиқ биринчи котиб ва котиб, ўқувчи ёшлар ва кашшофлар бўлим мудири ҳамон уч юз метр нарида — ноҳия фирқа қўмитасида масъул вазифаларда ишлаётган бўлсалар-да, аммо юқорида таъкидланган илтимос ҳамда Кашшофлар уйини унутиб юборишди. Н. Шавқиева эса ўз жамоаси билан осойишта яшайверди. Нима учун ноҳиядагилардан ҳеч кимни, жумладан ноҳия халқ маорифи бўлимини, молиявий органларни бу осойишталик ташвишлантирмаётганлиги менга ғалати туюлди.

Ва бу осойишталикни бузмоқчи бўлдим. Одамларни ишга солмоқчи эдим, бироқ бир ҳафтада бунинг уддасидан чиқолмадим. Иш якуни бўйича Ўзбекистон ЛКСМ ноҳия қўмитаси бюросини йиғдик. Юз берган вазиятда, менинг билишимча, битта йўл бор. У ҳам бўлса, кадрларни аттестациядан ўтказиш ва ижодий ишлашга қодир ғайратли жамоани йиғиш.

Аммо менга кадрлар етишмаслигини рўкач қилишди. Борингки, шундай ҳам бўлақолсин. Ундай бўлса, кашшофлар ва ўқувчилар уйини ёпиб, Шавқиева ва унинг «командаси»ни сақлаш учун кетаётган маблағни, масалан, нафақат бошланғич синфларнинг, балки юқори синф ўқувчиларининг бепул нонушта қилиши учун ажратган маъқул эмасми?

Бюрода мени диққат билан тинглашди. Ноҳия халқ маорифи бўлими мудири А. Ғаффоров бу масалани ўз кенгашларида яна бир бор эшитиб, ҳал қилишларига мени ишонтирди, ҳатто. Орадан бир ойдан кўп вақт ўтди. Нима ўзгарди?..

23 февралда Дўстлик ноҳия халқ маорифи бўлими «Кашшофлар уйи иши аҳволи тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди ва жуда қизиқ қарор қабул қилди:

1. Кашшофлар уйи иши қониқарсиз, деб топилсин.

Иккинчи бандда эса нима дейилмоқчилиги эҳтимол ёлғиз Ғаффоровнинг ўзигагина маълум бўлса керак.

2. Кашшофлар уйи мудири Шавқиева Н.нинг 15 февралгача дам олишдалигини ҳисобга олиб, қатъий огоҳлантирилсин, бироқ «22 февралдан» ариза ташлаб қўйганлиги муносабати билан Шавқиева Н. эгаллаб турган лавозимидан бўшатилсин (ҳужжатда қандай бўлса, шундай келтирилди. — Муаллиф).

Бундан чиқдики, дам олишдалиги учун қатъий огоҳлантирилади. Ва бу ердаги гапдан Шавқиева Н. директор эмас, мудир бўлиб чиқади.

Ноҳия халқ маорифи бўлими бошланғич фирқа ташкилотидаги 17 коммунистдан 11 нафари бу масалага «янада жиддий» ёндашишди (21 февралдаги 2-сонли протокол).

Коммунистлар йиғилиши мана қандай ғалати қарор қабул қилди.

«Ишда йўл қўйган нуқсонлари учун, етарлича назорат қилмаганлиги ва бўш раҳбарлиги учун коммунист Шавқиева Н.га ҳайфсан эълон қилинсин ва таъкидлаб ўтилган нуқсонларни бартараф этишга бир ой муддат берилсин ҳамда унинг ўз хоҳишига кўра ишдан бўшаш тўғрисидаги аризаси қондирилсин».

Шу тариқа 21 февралда йиллар давомида тўпланган нуқсонларни бартараф этиш учун бир ой муддат белгилаб, 22 февралда Шавқиевага «оқ йўл» тилашди.

Албатта, гап бу ерда Н. Шавқиевадагина эмас. Бу унинг виждонига ҳавола. Унинг қаерда ишлаётгани ноҳия комсомол қўмитасидагилар учун ҳам сир. Ҳаммасидан ҳам, шунча ғалвалардан сўнг ҳам кашшофлар уйида ҳеч нарса ўзгармаганлиги қизиқ. Директор йўқ, ноҳия халқ маорифи бўлими мудири вақтинча ноҳиядан ташқарида. Ноҳия комсомол қўмитаси эса, яна қатъиятсизлик кўрсатишда давом этяпти.

Балки Дўстликда Кашшофлар уйи тақдирига лоқайд бўлмаган бирорта ҳақиқий кашшофлар ходими топилиб қолар ёки чиндан ҳам уни ёпиш керакми?

Ҳар қалай, бундан буён осойишталик ҳукм сурищи мумкин эмас. Бу кашшофлар етакчилари ва комсомол ходимларининг ташаббускорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Қизиқувчан болаларни фақат иш орқали жалб этиш мумкин. Бунинг учун ишбилармонлик, маблағ ва энг муҳими, хоҳиш-истак зарур. Агар хоҳиш бўлса, маблағ ҳам топилади. Ҳар бир комсомол аъзоси улар тўлаётган комсомоллик бадалидан қанча қисми ўзлари яшаётган ноҳия ёки шаҳардаги кашшофлар ишларини моддий мустаҳкамлашга сарфланаётганини ҳисоблаб кўрсин. Макулатура ва темир-терсак йиғишдан тушадиган пуллар қаёққа кетаяпти? Мактаблар ремонти учун, дейишади кўпинча. Лекин ундан болаларнинг ўзлари учун; улар қатнайдиган тўгарак ёки клублар учун ҳам ажратса бўлади-ку!

Сизларни суҳбатга, жуда қизғин суҳбатга тортгим келаётир. Мактабдан ташқари муассасалар муаммолари қандай ечиляпти, болалар нималар билан машғул? Ўйлайманки, кашшофлар ишларига лоқайд бўлмаган ҳар бир киши ўз фикрини айтмай қўймайди. Ахир қачонгача осойишталикка банди бўлиб ўтирамиз. Болаларга қизиқроқ иш таклиф этолсак, ғоя берсак, ишончим комилки, яна Кашшофлар уйларида уларнинг қувноқ овозлари баралла эшитилади.

В. ЯКОВЛЕВ,
В. И. Ленин номли Ўзбекистон Кашшофлар ташкилотлари жумҳурият кенгаши йўриқчиси.

Хориждан хабарлар

Горбачев номи билан аталди

МАДРИД, (ТАСС). Испаниянинг Фос шаҳри (Лиго вилояти, Галисия тарихий области) муниципалитети шаҳар кўчаларидан бирини Михаил Горбачев номи билан аташга қарор қилди.

Ушбу қарорда — «Совет раҳбарининг халқаро миқёсдаги улкан ролини эътироф этиш» ифодаланган, — деди Фос шаҳри мэри, Испания ҳукмрон социалистик ишчи партиясининг аъзоси Мартин Бельтран.

«Паис» рўзномаси ана шу ҳақда хабар беради.

Солиқ тўлашдан бош тортишмоқда

ҚОҲИРА, (ТАСС). Сўнгги тўрт ой ичида Миср маъмурлари солиқ тўлашдан 266 марта бош тортилганлигини қайд этдилар. Агар солиқ тўлашдан бош тортувчилар давлатдан шу қадар қарздор бўлиб қолмаганларида эди, бу рақам ҳеч кимни ҳайратда қолдирмаган бўлур эди.

«Ахбор-ал-Яум» рўзномасининг маълумотларига кўра, давлатнинг қарзи бир миллиард олти юз етмиш етти миллион Миср фунтини ташкил этди. Қонун бузувчи миллионерларнинг аксарияти ер, квартира ва автомобиллар билан савдо-сотиқ қилиш орқали жуда катта бойлик тўплаган.

Булар орасида мевали боғ-роғларнинг эгалари, балиқ савдогарлари ва ижодий касбларнинг намояндалари бор.



Шимолий Италиядаги Лаго Мажоре кўли хушманзара ерга жойлашган. Юмшоқ субтропик иқлим, қайин ва пальмалар ўсган тоғли чўққилари, шунингдек, дам олувчилар учун яратилган ажойиб шарт-шароитлар юз минглаб кишиларни бу ерга ҳордиқ чиқаришга келишга ундайди.

Кўл бўйи ҳамиша одамлар билан гавжум бўлади. Мусофирхоналар, ресторанлар, ширкат қайиқ эгалари, совға буюмлари сотувчиларининг қўллари қўлларига тегмайди.

СУРАТДА: Шимолий Италиядаги Пьемонт вилояти. Кафеда ишлаётган италиялик мактаб ўқувчилари.

А. ЖИГАЙЛОВ сурати (ТАСС).

ИСТИҚБОЛЛИ МУЗОКАРАЛАР

БОНН. Оддий қуролли кучлар юзасидан Венада ўтаётган музокаралар Европада катта истиқболлар очади. Ҳозирги вақтда вужудга келган тарихий имкониятдан фойдаланиш ҳамда қуролсизланиш соҳасида янги тадбирларни амалга ошириш зарур, деди ГФР ташқи ишлар вазири Ганс-Дитрих Геншер. Мафкуравий тўсиқларнинг бартараф этилиши, деб таъкидлади у СДФ телепрограммасининг мухбири билан суҳбатда, душман образидан халос бўлишга имкон берди. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда қуролсизланиш жараёни сиёсий тараққиётдан орқада қолишига йўл қўймаслик жуда муҳимдир.

Ташқи сиёсий маҳкама бошлиғи Совет Иттифоқи Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашган давлатлар вакилларининг кузда олий даражада ўтказилиши мўлжалланган учрашувига қадар Венадаги музокараларда муваффақиятга эришишга астойдил интилаётганлигига ишонч билдирди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ТОВУҚЛАРГА ГАЗЛИ СУВ БЕРИНГ

● ИЛЛИНОЙС дорилфунуни олими Тед Одом кўп йиллардан бери тухум пўчоғини қандай қилиб қаттиқроқ қилиш мумкинлиги юзасидан иш олиб боради ва охири қуйидагича хулосага келди: газли сув тухум пўстини мустаҳкамларкан. Шунинг учун у товуқларга оддий сув ўрнига газли сув беришни тавсия этади. Ана шунда тухумларни транспортга юклаётганда ва тушираётганда чиқиндисиз (синмаган ҳолда) ташиш имкониятига эга бўлинади.

СУВ УСТИДА УЙҚУ

● ҲОЗИРГИ кунда йигирма миллиондан ортиқ америкаликлар ичи сув билан тўлдирилган махсус тўшакларда ухлашади. Бундай услуб 25 йиллар муқаддам Калифорнияда пайдо бўлганди. Табибларнинг таъкидлашича, ҳар хил бел оғриқларидан азоб чекаётганларга худди шундай усул фойда бераркан.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ТИМСОҲ!

● ҚУРУҚЛИКДАГИ йиртқичларимиз каммиди! Йўқ, бизнингча етиб ортади. Лекин начора, табиатнинг янги қонуни бўлса ажаб эмас, муҳит ўзгармоқда, балки шу ўзгариш тимсоҳларнинг эволюцион сакрашига сабаб бўлаётгандир. Бундай деяётганимизнинг сабаби Замбези (Зимбабве) дарёсида яшовчи тимсоҳлар ўз жойини тарк этишмоқда. Улар ўша атрофдаги ўрмонлар ва деҳқонларнинг далаларида. Гоҳо одамларгаам ҳужум қилишмоқда. Бу ҳақда деҳқонлар ҳукуматга ўз арзларини айтишди. Эндиликда Замбези атрофидаги йўлларга «Эҳтиёт бўлинг, тимсоҳ!» деган махсус йўл белгиси ўрнатилди.

ПОЛИЦИЯ УЧУН МАХСУС ҚУРОЛ

● ФРАНЦИЯ полициясига жамоат тартибини бузувчиларга қарши ишлатиш учун янги қурол тарқатилди.

Бу қурол қўшотар милтиқ бўлиб, унда ўқ эмас, балки юмшоқ тўпчалар (теннис шарига ўхшаш) отилади. Унинг афзаллиги шундаки, «ўқ» теккан одам ўлмайди, шунчаки нокаут бўлиб, худди боксчи ургандек гангиб қолади.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ҲАМҚИШЛОҚЛАР

«Раҳбар қийналса, халқ роҳатда яшайди»

Шаҳрисабз ноҳиясидаги Энгельс номли жамоа хўжалигининг раиси Қурбон ҲАҚБЕРДИЕВ билан мусоҳаба

ЧЎНТАГИДА пули борнинг юриғи бошқача бўлади. Қадам босиши тетик. Фикрлари тийрак. Ўзини эркин сезади. Бадавлат хўжаликнинг раҳбариям шу. Унча-бунчага гапини бермайди. Қўли узун. Йиғинларда ўрни бор. Яна бир томони. Ундан камбағал хўжаликнинг бой етакчисиям ҳайиқади. Имкон қадар нарироқ юрса. Нигоҳлар тўқнашувида гап кўп-да.

Нега шундай?

Тахминимча, бири эл-юртнинг ғами, ташвишини ўзиники деб билади. Лавозим — унинг йўли, таянчи эса халқ. Борию йўғи ҳам бирга. Баб-баравар бойисак, дейди. Наригисининг нияти бошқа. Фикри-зикрида ўзи. Лавозимда турганида данғиллама уй солса. Кўпроқ, тезроқ ўмарса. Халқ оч, ўзи тўқ юрса. Хўжалик йиқиладими, бели синадими, барибир. Унга ўтирган курсиси, амалига дарз кетмаса бас.

Бу тоифадагилар виждонсизми? Ҳар қалай йўқ. Виждони бор. Фақат элу улусга қайишадиган ери кемтик.

Энгельс номидаги жамоа хўжалиги ҳақида ўйлаганимда миямда шу тасвирлар тизилгани тизилган. Бунинг боиси нимада экан?

Хўжалик раиси Қурбон Ҳақбердиев билан чала қолган суҳбатимизни давом эттириш ниятида у киши дам олаётган «Луначарский» санаторийсига бордим. Учрашдик. Камтаргина жиҳозланган хона. Гурунглашиб турсак йўлакдан беш-олти кишининг овози эшитилди. Сўнг қия очилган эшик олдидан улар бир-бир ўтишди. Хиёл ўтгач бировининг овозини баралла эшитдик. «Раис бува, лифтдан чиққунча чарчадингиз. Дам ола туринг. Биз кейинроқ келамиз!».

— Ҳафтадан бери шу, — дедилар Қурбон ака. — Ўзи мендек бир раис экану ҳузуридан одам аримайди. Кунига байрам. Рўйхат тузиб берганми дейман.

Кўникиб қолганимизданми, бу инкордан ҳайратга тушдик. Раҳбар дам олиб, даволангани санаторийга келсаю, уни йўқламаслик мумкинми? Ҳеч маҳал бундоқ бўлмаган! Кўпгина муаммоларга ечим топадиган «имкониятни» қоралаcа бўларкан-а? Боз устига шуни қилиши лозим бўлган одам.

— Ҳайронман. Нега одамлар бу йўлни тутишади? Менинг олдимга биров қадам босмайди. Келсинчи, ўзим биламан нима дейишни. Тўғрида, яхши кўринмоқчими, ҳалол ишласин. Боласини боқиб, вояга етказсин. Ўқитиб, дунёни танитсин. Ҳозир кўрганларингиз — хушомадгўйлардаям рўзғор бор. Бола-чақали.

Ўктам сўзлар, теран фикрлашлардан сўнг Қ. Ҳақбердиев билан фақат хўжалик юмушлари устида эмас, турли мавзуларда мусоҳаба юритиш лозимдек туюлди. Шу йўл танланди ҳам.

Гурунгимиз кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлган бир палла — сайлов кампаниясига тақалди. Шундоқ донгдор хўжаликнинг раҳбари ўз номзодини жумҳурият, иттифоқ халқ депутатлигига қўярди-да. Баъзилар ўйлар, балки у одамда бирон ишнинг уддасидан чиқиш ҳислати йўқдир. Катта юмушларни қилишга идроки етмас, деб. Бу нотўғри. Мутлақо. У кишининг кимлигию, неларга қодирлигини энгельсликлар яхши билишади.

Қурбон аканинг ўзлари бу ҳақда тамомила бошқача тушунчада.

— Унча эсимда қолмабди. Идорада нимадир ишни қилаётувдим. 5-6 нафар киши ҳузуримга кирди. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Таклиф билан чиқишган экан. СССР халқ депутатлигига менинг номзодимни кўрсатишни маъқул кўришганини айтишди. Рўйхатга олиш мавсумининг гапи-да, бу.

— Ким берган кўрсатма бу? — сўрадим улардан.

— Халқимиз, деҳқонлар айтяпти, раис бува.

— Халққа етказинглар. Мен шу кунданоқ СССР халқ депутатиман. Истаган муаммонинг ечилишида кўмак сўрайверишсин. Жамики хизматларига тайёрман.

Нотўғри жавоб берибманми? Менимча йўқ. Сени фуқароларинг олий кенгашларга лозим кўрдими, етарли. Шартмас ўзингни тарғиб этиб, сайлаттириб олишинг. Депутат бўлганинг шу. Мен шундоқ тушундим. Шу кайфиятда ишлаб ётибман ҳам. Қўлимдан келадими, ёрдам бераман. Назаримда ўзини ҳурмат қиладиган раҳбарнинг ҳаммаси депутат. Халқ депутати! Сабаби унинг қўли узун. Йўли қисқа. Юрагида бўлса қилади. Мен умримни бағишлаган ғоя шу.

ИККИ ОҒИЗ СЎЗ ХЎЖАЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЁТИ ҲАҚИДА. Қурбон ака уни қабул қилиб олганларида хўжалик давлатдан 1,5 миллион сўм қарздор эди. Ростданам раҳбарнинг уқувли бўлишлигида гап кўп экан. Бўлмасам ери, суви ўша-ўша. Аммо кўп ўтмай иқтисодий муваффақиятларга эришила бошланди. Ўтган йили 640 гектар майдон уч марта қайта экилгани билан унумдорлик зўр бўлди. Икки йил бурун хўжаликнинг ҳамёнида 9 миллион 250 минг сўм пули бор бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 11 миллиондан ошди.

Ҳалол меҳнат қилганлар хизматига яраша пул олди. **Деҳқонларнинг йиллиқдаги иш ҳақи 2 миллион 150 минг сўм. Бу бурунги йилдагидан 150 минг сўм зиёд. Истаганлар хўжалик билан шартнома тузиб, деҳқончилик қилади. Буни йўлга қўйилганигаям икки йилдан ошган.**

Дала меҳнатчиларига яшаш, турмуш шароитлари қай тариқа яратилган? Далага чиққан борки, уч йилдан бери текин овқат ейди. Сарфи хўжаликнинг бўйнида. **1988 йил бунга 38 минг сўм кетган бўлса, ўтган йили мукофоту овқатга 82 минг сўм сарф этилди. 868 кишига томорқа ажратилди. 8-12 сотихдан. Дала ҳовли учун 222 гектар ер ажратилди.**

Кўнгилга шуур улашадиган яна бир савоб бор. Ҳар бригаданинг ихтиёрига ер берилган. У ерда жамоа рўзғорга керакли мева-чева экади. Тўй, маросимми ёки кўнгли тусагандами, бемалол еяверсин. Фақат батартиб. Майдон ишловчилар сонига қараб ажратилган. Айримида беш, каттароғида ўн гектаргача. Тўрт бригадага сигир берилди. Айримларининг 12 бошгача қўйи бор. Деҳқоннинг қатиқ-сут ичиши бемалол. Қолаверса, болалар боғчасидаги гўдакларга ҳам оқ улашилади. Ҳаммаси ўзлариники. Ҳатто фарзандлар учун ўтган йили тут шинниси қилдирилди. 25 килограмм.

Шундан кейин мен сўрадим раис бува жавоб қайтардилар.

— Хўжаликлар минг чандон бой бўлгани билан унинг пуллари жонсиз дейишади. Қоғозда эса бақувват.

— Бизда пулларнинг «оёғи» бор. «Юриб» туради. Мақтаниш эмасу гўё давлат омонат кассаси дейсиз. Ҳали у корхона, ҳали бу хўжалик қарз сўрайди. Бераверамиз. Ҳатто айрим заводлар 200 минг сўмгача олишди.

— Истовчиларга беминнат эканда.

— Шундоққу-я, аммо миннатлисиям бор. Бир гал «Москва» давлат хўжалигининг идора ходими келди. Қарз сўраган киши минг истиҳола билан остона ҳатлашини билсамда, чидаб туролмадим. Аслида ўзим ўша ерликман. Ўсмирлигимда ғалла ўрдим. Ҳисобчилик қилганман. Чот деган дарада ўтган кунларимни эсласам юрагим орзиқади. Ҳаммаёқ зардолизор, ёнғоқзор эди. Ота-боболаримиз чорвоғидан тонналаб ғўлин, олма, жийда қоқи олардик. Тескакларни ёриб экилган лалми қовун-тарвузларни йиғиб улгуролмасдилар. Ҳозирчи, ўша чорбоғларнинг эгалари у ерлардан маҳрум. Боғ хўжалик ихтиёрига ўтган. Дов-дарахту, илгариги файз қайда? Ҳаммаёқ ҳуп-ҳуйрон. Юзлаб оилаларни боққан боғдан бир тийинлик наф йўқ. Подахона бўлиб ётибди. Улкан дарахтлар шохсиз. Мурғаклари ғажилган. Хўжаликдаги қўй сурувлари ичидан чиқмагандан кейин гўр бўлармиди?

Дара, боғ ота-бобом юрти бўлганидан эмас Қримдан ҳам гўзал жойни хароба этганига жаҳлим чиқади.

Гап шу ҳақда кетдими корхонани ўтқазиб қўйган етакчиларга ҳам муносабатимни билдирай. Бизда нима кўп. Тирноғигача қарзга ботган хўжаликлар кўп. Уларни бошқарганлар уч-беш йил ишлайди. Шу даврда ўзи бой хўжалик елкаси билан нафас оладиган бўлади. Кейин силлиққина бошқа ёққа ўтиб кетади. Адолатдан эмас бу. Иқтисодиётни ўлдирдими, жазолансин. Айби бор. Жамиятни, унинг фуқароларини камбағаллаштирди. Қолаверса, у шунча вақт давлатнинг маошини олган. Демак, у буни оқламади. Нолойиқ экан. Юқоридаги фикр — токим жазо қўлланилмаса ҳаётнинг ривожига умид йўқ. Устамон директор, раис нурга, хўжалик эса дудга қоришиб юраверади.

— Кўпгина етакчилар ё сир тутадиларми, ёки ростданми, қўл остидагиларга ўзининг қайси жиҳатлари маъқул тушмаслигини билишмайди.

— Лекин мен биламан. Кўпларга қаттиққўллигим ёқмайди. Топшириқни олдими қилсин! Ишладими, пулини олсин. Аммо қаттиққўл бўлиб бировни урганим, қаматганим йўқ. Лекин талаб қиламан, нонини ҳалоллаб есин.

Мана, ҳозир бутун ҳаммаёқ демократиялашиб кетди. Қўлидан бир пуллик иш келмайдиган тирмизак баобрў кишига ундоқ-бундоқ, деб лой чаплагани маъқулми ёки халқи фаровонлигига умрини тикканнинг ўктамлигими? Чўрткесарман. Феълим шунақа. Бўшанг, ялқовларга хушим йўқ.

Устимдан ёзишди. Текширувчи келди. Еганми? Ўғрими? Йўқ! Айб эса битта. Қаттиққўл. Очиғини айтсам, кишилар пул, кўмак сўраб келса қўлимни кўкракка қўйиб, тиззамни қалтиратгандан кўра талабчанликни бўшаштирмай энгельсликларни бадавлат қилиб бойитиш йўли минг марта афзал менга. Шу ўринда ёшлар ҳақидаги фикримни ҳам айта қолай. Кўп мамлакатларда бўлганман. Саёҳатим чоғида ўша юрт йигит-қизларини кузатиш, ўрганишга тўғри келди. Назаримда улар ишдаю ўқишдаям чаққон. Умрини бекор ўтказмайди. Бизда эса сал бошқача. Ўттиздан ошиб ҳам йўлини тополмаган сарсонлар сон мингта. Биздагиларнинг ҳаммасини коммерсантлар сафида кўргим келади. Баъзида ўйлайман нега бизникилар Англия, Япония, АҚШдаги дорилфунунларда йўқ.

— Агар хўжалигингиздан бирон бир ёш шу юртларда ўқиш истагини билдирса ёрдам берармидингиз?

— Сўзсиз. Мен буни орзу қиламан. Биронтаси бизни ишонтирсин, уялтириб қўймасликка. Кенгашимизни чақирамиз. Таҳсил муддати битгунга қадар кўмак берамиз. 40 минг кетар, 50 минг кетар. У ёғида бўлса қайтарадида.

— Ҳамма нарса раҳбарга, халқнинг дилидагини тушунадиган етакчига боғлиқ, шундай эмасми?

— Тўғри фикр. Халққа қайишадиган бошлиқни эл олқишлайди. Вилоятимизнинг олдинги раҳбарига мурожаат қилишга тўғри келди. Неча йиллардан буён ҳал этилмай келаётган масала бирдан ечимини топса денг. Хўжалигимизнинг шундоққина биқинида шаҳар касалхонаси жойлашган. Уларга майдон ҳам берганмиз. Аммо беморларимизни қабул қилишмайди. Хасталар сарсон. Девори деворига туташ касалхонага жойлашиш мумкин эмас. Ноҳия шифохонасига борсин эмиш. Шуям гапми?

Чегарадош бўлганимиздан хўжалик еридан шаҳарга берилгани берилган. Ўзимиздагилар эса қийналиб ётибди. Жой етмай. Газлаштириш бўйичаям аҳвол шу. Корхоналар у ёққа, бу ёққа бураверади-бураверади. Пулингга қилишга бўйни ёр бермайди-я.

Ҳисорак сув омборидан фойдаланишимиз керак бўлиб қолди. Чунки ҳадеб сўрилаверганидан ер ости сувларимиз тугаб битди. 175 қудуқ тамомила қуриди. Ҳосилдорлик пасайди. Токи елиб-югурганча ерлар ҳам чўкди. Бундан жафо чекканлар бор.

Биринчи котиб аралашуви билан шу тўрт муаммо ечилди, қолди.

Мени қийнайдиган муаммолар устида яна тўхталай. Ҳозир эл-юрт совун излаб, сут-қатиққа зор юрибди. Менга қолса йўқ-йўқ, деб бошни чангаллаб юргандан кўра пахта заводларининг бирини мослаштириб ўша ерда совун ишлаб чиқарадиган қилардим.

Пахтанинг баҳоси устида кўп гапирилди. Аммо ўзгариш кам.

Ҳар ҳолда шу элнинг боласи бўлгандан сўнг ўзбек тилининг тақдирига бефарқ қаролмайман. Тўғри, унга давлат тили мақоми берилган. Ўзгаришлар ҳам бор. Бу яхши. Аммо унинг жорий этилиш муддати жуда йироқ. Саккиз йилгача ким бору ким йўқ. Оқ сут берган волидамиз тилида ўз юртимизда бемалол сўзлашиб, ёза билишни саккиз йил кутамизми? Шунча йилда ўнта хориж тилини ўрганса бўлади-ку.

ШУ ТАРИҚА суҳбатимиз ҳам ниҳоясига етди. Хайрлашув пайтида раис буванинг айтганлари ҳанузгача қулоғим остида жаранглайди.

— Етакчи ишратдами, элнинг аҳволи чатоқлашади. Раҳбар қийналсагина халқ роҳатда яшайди.

Бу фикрга юз фоиз қўшилдим.

Қурбон ЭШМАТ,
«Ёш ленинчи» махсус мухбири.

«Ҳамқишлоқлар» почтасидан

Нега Шомирза?

Қишлоқлар... Қачонлардир уни қудратли тўлқин қирғоққа олиб чиққандир, балки ташкил этишда аждодлар машаққатли йўлларни босиб ўтгандир, қишлоқларнинг дунёга келишида қанчадан-қанча инсонлар қони тўкилгандир, балки ана шу қутлуғ қонлардан униб чиққан туғён қишлоқларнинг келиб чиқиш тарихи билан узвий боғлиқдир.

Мен Шаҳартепа қишлоқ Советидаги Шоҳмирза участкасида истиқомат қиламан. Қишлоғимиз қачон, ким томонидан ташкил топганлиги номаълум. Унинг тарихини ўрганиш учун Улуғ Ватан уруши фахрийларига, пенсионер отахон-онахонларга мурожаат қилдим. Кексаларнинг гапларига қараганда, ўтган асрларда қишлоғимиз ўрнида шоҳлар ва мирзалар яшаган эканлар. Шунинг учун ҳам у «Шоҳмирза» деб юритиларкан. Лекин ҳозир Шомирза деб аталади. Бу ҳам ўз тарихига эга. Қадимда қишлоғимизда мирзалар яшаган бўлиб, «шо» уларга бериладиган унвоннинг номи экан.

Қишлоғимизнинг асосий кўчаларидан бирига Охунжонов номи берилган. Охунжонов ким ўзи?

Мана шу саволга жавоб топиш мақсадида яна кекса отахонлар хонадонларига йўл олдим. «Охунжонов, — дея сўз бошлайди кекса коммунист, уруш фахрийси Собир ота Норматов, — 1931 йилда бизнинг қишлоққа ноҳия вакили бўлиб келган. Ўша йилнинг июнь ойлари... Колхоз ҳамда қишлоқ Совети раислари, кўзга кўринган кишилар, шу жумладан, Охунжонов ҳам мажлисда иштирок этарди. Шу лаҳзада босмачилар қўққисдан хонага бостириб кириб, барчани ўққа тутадилар. Охунжонов чаққонлик билан бошқа хонага яширинишга улгуради, аммо кўзи қонга тўлган босмачилар уни топиб, отиб ўлдирадилар... Охунжонов қишлоғимизда жамоа хўжалигини ташкил қилиш, босмачиларга қарши курашиш, хотин-қизларни озодликка чиқариш каби хайрли ишга қўл урганди. Шунингдек, у комсомол группаларига раҳбарлик қилувчи сиёсий вакил ҳам эди.

Ватанимиз тарихини ўрганиш бурчимиз. Уни ҳамма ўз қишлоғи, маҳалласи, кўча ва шаҳридан бошласа янада яхши.

Адҳам МАСКАНОВ,
Тошкент.



Қишлоқ ёзи... Ким учундир ажойиб палла. Аммо қишлоқда яшаётганларнинг аксарияти учун ажойиб палла эмас. Ҳатто болакайлар учун ҳам. Ўқув йили тугади. Юмушлар эса ҳеч қачон тугамайди. Шунинг учун ҳам қишлоқда бекорчининг ўзи йўқ. Қишлоқ — қишлоқда. Дўконда сут-қатиқ сотилмайди. Хашак кетидан чопишинг керак. Сув-чи? Эҳ-ҳе, муаммоларнинг чеки кўринмайди... Кун бўйи ишлаб толиққанингдан кейин маданий дам олишга йўл бўлсин. Ҳаммасидан бурун уйқуга тўйишни ўйлайсан. Алмисоқдан қолган клубларга боргинг келмайди. Негаки, у ердан дам олиш ўрнига, чарчаб қайтасан. Кўнгилдагидек нарсанинг ўзи йўқ-да!

СУРАТЛАРДА: қишлоқ болалари; қизлар далага кетишяпти.

Ш. ИБРОҲИМОВ ва А. МАМАДАМИНОВ олган суратлар.



ШАҲАРДАН ЙИРОҚДА

«Мактабда битта ҳам футбол ёки волейбол тўпи йўқ. Ўқувчилар бир сўмдан тўплашиб, сотиб олдик...»

«Ошхона талабларга жавоб бермайди. Фақат шўрва пиширишади, сифати паст. Ошпазни бўшатиш керак!»

«Энг ёмони сув масаласи: мактаб олдидаги ер ости қудуғи ишламайди. Уйдан шишада сув олиб келиб ичамиз».

Талаблар, истаклар, танқидлар. Булар битта шикоят хатидан олингани йўқ. Имзолар ҳам ёлғиз эмас. Норозилик, кўнгил тўлмаслик — хатлар мазмунини белгилайди. Манзилгоҳ эса битта — Хива ноҳиясидаги «Қорақум» давлат хўжалигида жойлашган Ибн Сино номли саккиз йиллик мактаб.

Хўжалик ҳақида қисқача тушунтириш: турғунликнинг энг қайнаган замони «ҳаммамиз учун ҳурматли» шахс ташаббуси билан, Туямўйин сув омбори келажагига қатъий ишонилган ҳолда воҳанинг Қорақум саҳросига туташ қисмида ташкил этилган, ҳозирда давлатдан қарзга ботиб, уловидан тушови қимматга тушаётган давлат хўжаликларидан бири. Ўша пайтда янги хўжаликлар кўпчиликка ягона чора бўлиб туюлди. Воҳада ишсизлик бошланаётган, ер танқислиги сезилган паллада шу каби хўжаликларга кўпчилик ёш оилалар кўчиб борди. Маълум муддатда улар иш билан, турар жой билан таъмин қилиндилар. Вақт ўтиб, болалар кўпайди, мактаблар очилди...

«Қорақум» давлат хўжалиги марказидаги Ибн Сино номли мактаб — икки қаватли, замонавий. Ҳамма қулайликлар мавжуд. Ихлос қилинса, ҳалол ишланса бўлгани. 1988-89 ўқув йилида мавжуд 8 синфда 181 ўқувчи таҳсил олди. Бўш синф хоналари талайгина. Мактаб 1982 йилда ташкил этилганди, кейинчалик ўрта мактаб бўлди. Ўтган йили эса қайтадан саккиз йилликка айлантирилиб, юқори синф ўқувчилари аро йўлда қолдилар. Қўшни хўжаликлардан Улуғбек ва К. Маркс номли ўрта мактаблар давлат хўжалигидан 7-10 чақирим масофада. Қишнинг совуғида, изғириндан яширинишга пана бўлмаган саҳро шароитида ёки ҳарорат кўтарилган паллада йўл босиб ўтишни ўйланг. Осон эмас.

Баҳор ойида мактабда бўлдик. Кўпгина ишлардан қаноат ҳосил қилмадик. Камчиликлар кўплигига директор янги сайланганини баҳона қилишди. Сув ва транспорт масаласида қўллари калталиги, давлат хўжалиги маъмурияти ваъда қилаётганини айтишди. Ҳисобот йиғилишида ота-оналар талаби билан Хива шаҳрига кунига уч маҳал автобус қатнови йўлга қўйилган экан.

Ноҳия халқ маорифи бўлими мудири Қурбонов мактабдаги мавжуд камчиликларни албатта тузатиш... ўрта мактаб масаласини эса ноҳия ижроқўми билан келишган ҳолда ижобий ҳал этишга ваъда берди.

Мудирга ишондик.

...Темур, Жалолиддин, Ҳамдам, Клараларнинг мадад истаган нигоҳларига яна бир бора тийрак назар ташлаш, арзларига адил қулоқ солиш керак. Шаҳарни саҳро бағридаги олис қишлоққа келтириб бўлмайди. Аммо, шаҳар турмуши, маданияти, шароитини... мумкин-ку.

Р. ҲАСАНОВ,
«Ёш ленинчи» мухбири.

БИРИ ГУЛИСТОН, БИРИ...

Генерал Ф. Норхўжаев номли жамоа хўжалиги аҳолиси тўрт-беш йил аввал бу хўжаликда турмуш маданияти яхши эмаслиги, кўчалар эгри-бугри, деворлари қинғир-қийшиқ, йўллари лой эканлигидан нолир эдилар.

Кейинги пайтларда жамоа хўжалигида катта ободончилик ишлари бошланиб кетди. Жамоа хўжалиги маркази, айниқса, чирой очмоқда. Кенг ва равон асфальт кўчалар, пиёдалар учун йўлка, водопровод узатмаси, замонавий уй-жойлар, новвойхона, магазин, почта бўлими, маиший хизмат уйи, сартарошхона, клуб ва чойхона халқ хизматида. Айниқса, ҳаммомни айтмайсизми?

Яқинда жамоа хўжалиги аъзоларининг мушкулини осонлаштириш мақсадида ёғоч материаллари магазини, турли хил тахта билан ишлаш устахонаси иш бошлади. Ҳашар йўли билан Каклиқўрғон қишлоғида 8-йиллик мактаб, чойхона қурилиши ҳам ниҳоясига етмоқда. Автобус қатнови ҳам йўлга қўйилди.

Шу хўжаликнинг яна бир участкаси — Қизилтепа қишлоғида аҳвол қандай? Бу саволга жавоб топиш мақсадида қишлоқ билан танишамиз. Бундан тўрт йил аввал у ерда катта ободонлаштириш ишлари бошланган эди. Кунларнинг бирида эрта тонгдан экскаватор ва бульдозерларнинг кучли наъраси бутун қишлоқни ларзага келтирди. Йўллар текисланиб, кенгайтирилди. Кўчанинг икки томонига йўлка ётқизилди. Сув қувури ўтказилди. 460 ўринли мактаб қурилиши ҳам бирданига бошлаб юборилди. Марказий кўча қишлоқнинг содиқ ўғлонларидан бири Ф. Норхўжаев номи билан аталадиган, унинг туғилиб ўсган уйи «Шон-шуҳрат» уй-музейига айлантириладиган бўлди. Лекин барча ишлар чалалигича қолиб кетди. Радиокарнайлар «чала» гапирадиган, телефонлар яхши ишламайдиган, сув қувурлари чак-чак томадиган бўлиб қолди. Бу ҳақда айтавериб чарчадик.

Алихон ИБРАГИМОВ,
Чуст ноҳияси.

РЕДАКЦИЯДАН: 27 нафар киши имзо чеккан ушбу мактубда шунингдек хўжаликнинг Қизилтепа қишлоғидаги болалар боғчасининг ночор аҳволдалиги, қабристоннинг вайроналиги ва бошқа камчиликлар куюнчаклик билан тилга олинган. Улар жуда кўп ташкилот ва муассасаларга мурожаат қилишларига қарамай, ҳамон ҳеч қанақа натижа бўлмаётгани тўғрисида ҳам изтироб билан ёзишган. Ҳақли талаб, албатта, қондирилиши керак. Рўзнома ушбу мавзуга яна қайтади.

Халқ табобати

СИРЛИ МОМО

Эгизакларимдан бири — Ойша тўсатдан касалланиб қолди. Уни Ойгул момоға кўрсатишга олиб бордим. Момо асосан ёш болаларни даволайди. Боламни кўрган заҳоти:

— Иккинчиси қани? — деб сўради.

Анграйиб қолибман. Эгизак фарзандларим борлигини қаердан билдийкин?

— Уйда, — дедим таажжубим ортиб.

— Уч ойдан сўнг у ҳам касалланади.

Аъзойи баданимга титроқ кирди.

— Онажон, айтинг, эгизакларим яхши бўладими, ишқилиб?

Момо бақириб берди:

— Мен қаёқдан биламан. Худо эмасман-ку!

Умр йўлдошимга эса: «Ўғлим, уйингизга боринг-да, уч кун кутинг», деди. Мен севиндим. Демак, Ойша ўлмайди. Лекин икки кундан кейин у вафот этди. Орадан уч ой ўтиб, Фотима ҳам дунёдан кўз юмди. Эгизаклардан кейин бир қиз кўрдим. 9 ойлик бўлганда у ҳам касалланди. Яна Ойгул момога чопдим.

— Қўрқма қизим, яхши бўлиб кетади, — деди у. — Ичаклари бир оз яллиғланган. Тезда докторга бор, осма укол буюрсин.

Эртасига вилоят болалар касалхонасига бордим. Қизимни даволатдим. Иккита осма укол олгач, кўзини очиб, овқат ея бошлади.

Кейин бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Ўтган йилнинг ноябрь ойи эди. Институтда ўқиб юрган ўғлим пахта йиғим-теримидан қайтгач, бош оғриғига йўлиқди. Уни ҳам момога кўрсатдим. Ўғлимнинг томирларини ушлаб кўрди-да «Бош мия пардаси шамоллабди, «сариқ сув йиғилган» деди. Ўғлим вилоят касалхонасига ётиб, бир оз даволангач, соғайиб кетди. Шу уч воқеадан кейин момога бўлган ҳурматим ортди. У ҳақиқий Ванга эди. Унга кўриниш учун Урганч шаҳридан ва шаҳар атрофидаги қишлоқлардан бемор болаларни келтириб туришади. Яна бир гап. Ён қўшнимизнинг келини ўн ойлик чақалоғини ташлаб, Москвага ўқишга кетди. Бола бетоб бўлиб қолди. Врачларга кўрсатишди. Тузалмади. Охири, Ойгул момога олиб боришга мажбур бўлишди. Момо уларни кўриб: «Доктормa-доктор юриб, болани адойи-тамом қилганларингдан сўнг мен эсларингга тушдимми!!» деб бақирди. Боланинг у ёғ-бу ёғини силаб-сийпалаб кўргач, деди:

— Янги сўйилган молнинг талоғини уч марта қорнига ёпинглар.

Эртасига муолажа бошланди. Аста-секин бола кўзини очди, овқат еди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Момонинг ҳовлиси доимо одамлар билан гавжум. 90 ёшга кирганлар.

— Момо, касал болани докторларга олиб бориб, кейин сизга келтиришганини қаердан биласиз? — сўрайман ундан.

— Кўнглим сезади, болам, — дейди у.

Бундай иқтидорликни уларга табиат ато этган. Биз узоқ йиллар ана шу ҳақиқатни тан олмай келдик. Аммо ҳаётнинг ўзи истеъдодли кишиларни қадрлашни бизга ўргатаяпти. Момо ҳам шундай инсон.

О. ЭГАМОВА,
Урганч ноҳияси Чапаев номли жамоа хўжалиги.



Йўлдош Охунбобоев номидаги жумҳурият ёш томошабинлар театри жамоаси ёзувчи Маматқул Ҳазратқуловнинг «Меҳр кўп кўргуздим...» драмасини саҳнага қўйди. Асарни режиссёр Омон Шарипов саҳналаштирган. Инсоний муносабатлар, меҳр-оқибат ҳақида ҳикоя қилувчи бу спектаклда театрнинг етакчи актёрлари билан бирга ёш артистлари ҳам иштирок этадилар.

●

СУРАТЛАРДА: шу спектаклдан лавҳалар.

С. МАҲКАМОВ суратга олган.



МУАЗЗАМНИНГ ШИФОКОРИ МУАЗЗАМ

ВА ОҚИБАТЛИ ИНСОНЛАР

— Нимани яхши кўрасан, Муаззам?

— Одамларни.

— Ёмон одамларни ҳамми?

— Барибир яхши кўраман.

— Ёмон кишиларни қандай яхши кўрасан?

— Улар одам бўлганликлари учун ҳам яхши кўраман.

Ҳа, бу ўша — Наврўз телекўрсатуви орқали ҳаммамизга таниш бўлиб қолган 12 ёшли қизалоқ Муаззам Умарованинг гаплари. Муаззамнинг кўзлари бошқа дардчил болаларникидек ҳаёт мунгли эмас эди. Маъноли ва шўхчан боқади. У кимлардир яшашдан «тўйиб» кетган ва буни ошкора айтишдан ҳам тортинмайдиган ҳаётимизни, бугунги кунимизни жуда-жуда севади. Шунинг учун ҳам биз ҳар хил тоифага бўлувчи инсонларни у бирдек яхши кўради.

Ногаҳон эшитиб қолдим: «Муаззам Самарқанддаги болалар жарроҳлик шифохонасида даволанаётган эмиш». Бордим. Мана, ўша таниш чеҳра. Жавонча устида гуллар, рангли китоблар, ҳатто «Алифбе» ҳам бор. Муаззам Андижон вилояти, Бўғронтепа ноҳиясидаги ақли заиф болалар уйидан бу ерга келтирилган экан.

— Наврўз байрамига бир кун қолганда шифохонамиз ҳақида Ўзбекистон телевидениесида кўрсатув берилган эди, — дейди шифохона бош шифокори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Азамат Муҳиддинович Шамсиев. — Эртаси куни эса Муаззам исмли қизалоқ тақдири билан миллионлаб томошабинлар танишишди. Бизнинг шифохонада ўзлари асли андижонлик, ҳозир Самарқандда яшовчи бир оиланинг фарзанди шифо топган эди. Ана ўша оила аъзолари Муаззамни бу ерга олиб келишди. Муаззамнинг соғлиги анча ўзгарди. Лекин у узоқ даволанишга тўғри келади. Йиллар давомидаги хасталик ўз кучини кўрсатган.

— Муаззам, соғлигинг яхшими?

— Анча яхшиман. Болалар уйидалигимда билмасдан тагимни ҳўл қилиб қўярдим. Энди ундай қилмаяпман.

— Оёғингни нимага боғлаб қўйишган?

— Товонимдан йиринг чиқади. Ҳозир йиринглар анча камайди. Ҳеч кимнинг кўмагисиз юраяпман ҳам.

Албатта, бу Муаззамнинг фикрлари. Ахир дардни бошидан кечираётган киши ўзидаги ўзгаришларни бошқалардан кўра яхшироқ сезади.

Муаззамга ўзи нима бўлган?

— Ўн икки йил тўшакда ётиш ўз таъсирини ўтказган. Тагини ҳўл қилиб қўйиши натижасида унинг аъзолари қаттиқ шамоллаган. Оёқларининг рентген қилдик. Ўнг оёғининг товон суягида заарланиш бор. Шунинг учун ҳам у ердан йиринг чиқиб турибди. Кунига 5-6 марталаб ванна қилаяпмиз. Операция қилиб, товон суягини тозаламасак бўлмайди. Лекин қизчанинг қони кам. Йиллар давомида тўшакда ётиш натижасида унинг аъзойи бадани заифлашиб қолган. Қон камлиги тўйдирилиб, қизча кучга енганда кейин операция қилинади. Унинг оёқлари ҳам қийшиқ ривожланган. Шунинг учун махсус оёқ кийими буюртирдик, қадам ташлашини тўғрилаш лозим, — деди Муаззамнинг даволовчи шифокори Муаззам Мелиева.

Тасодифни қаранг. Муаззамнинг шифокори ҳам Муаззам. Мана, Муаззам ётган беморлар хонаси.

— Ана, менинг қизим.

Ялт этиб даволовчи шифокорга қарадим. Ҳа, ёшгина шифокор ҳеч иккиланмай Муаззамни «қизим» дерди. Бу бежиз эмас экан. Уларнинг нафақат исмлари, ҳатто қон гуруҳлари ҳам бир экан. Шифокори ўз беморига иссиқ қонидан беришга ҳам улгурибди. Ахир қизалоқнинг танасида унинг қони юрибди. Қизим дейишга ҳақли.

— Муаззам, ҳозир нималарни ўйлаяпсан?

— Муаззам опамни...

— Нимага? Шифокор бўлмоқчимисан?

— Ҳа, бўлганда ҳам худди Муаззам опам каби.

Болалик беғуборлиги, орзу-истаклари. Улар осмон қадар юксакки, ҳатто йиллар давомида уни қийнаб келаётган дарддан-да устунлик қилади. Сабр-қаноати, чидам ва иродани Муаззамдан ўрганмоқ лозимга ўхшайди.

— Муаззам, бу ерда зерикмайсанми?

— Йўқ, ўқишни ўрганяпман. Ҳарфларни ёдлаб олай дедим.

— Ким ўргатяпти?

— Шаҳардаги 9-мактаб ўқувчилари. Улар менинг бу ерда даволанаётганимни билиб, ҳар куни келишяпти.

— Сени ҳеч нарса қийнамаяптими?

— Фақат ўйдагилар-ни, укамларни кўргим келяпти.

Шаҳардаги 9-мактаб ўқувчилари, раҳмат сизларга. Тенгдошингизнинг шикаста қалбини кўтарганингиз учун. Мен бирорта олийҳиммат ўқитувчининг Муаззамнинг олдига бориб, унга ёзишни, ўқишни ўргатишини, сабоқ беришини жуда-жуда истардим. Унинг зеҳни ҳайрон қоларли даражада тез, хотираси кучли. У ҳадемай ёзиш-ўқишни ўрганиб олиши мумкин.

Муаззам Умарова баҳона болалар жарроҳлик шифохонасига борганимда профессорнинг иш столи устида турган «Болалар соғлиги — юртнинг бойлиги» деб номланган ҳайрия варақасига кўзим тушди. Савол назари билан профессорга тикилдим.

— Бемор болаларимиз дардига малҳам топиш учун бизга ҳали катта маблағ керак.

Ҳа, болалар ўлими ҳамон жумҳуриятимиз аҳолисини ташвишга солмоқда. Бундай аҳволга чек қўйишнинг чора-тадбирлари белгиланмоқда. Самарқандда Иттифоқимизда биринчи бўлиб махсус болалар жарроҳлик шифохонаси очилди. Шифохонада ҳар йили ўн минг бемор бола дардига малҳам топиши мумкин. Болалар урологияси, жарроҳлиги, кўкрак жарроҳлиги, янги туғилган чақалоқлар жарроҳлиги, эндоскопия, физиотерапия, болалар анестезиология (оғриқсизлантириш) ва реанимацияси (қайта тирилтириш) бўлимларида энди дунёга келган жажжилардан тортиб, 16 ёшгача бўлган ўсмирлар даволанадилар.

Беморларни ҳар томонлама пухта текшириш, аниқ диагноз қўйиш, анализларни ўтказиш ва сиҳат-саломатлигини таъминлашда замонавий тиббий жиҳозлар, такомиллашган техник асбоб-ускуналар, дори-дармонлар, бир марта ишлатиладиган шприцларга тез-тез зарурат туғилади.

Боғишамол ноҳия меҳр-мурувват жамғармаси, Чироқчи ноҳиясидаги Ленин номли жамоа хўжалиги, Самарқанд ноҳиясидаги «Гулистон», Ургутдаги К. Маркс, Паст Дарғомдаги «Ленин хотираси» жамоа хўжаликлари шифохона жамғармасига пул ўтказиб, саховот кўрсатдилар. Вилоят талабалар қурилиш отрядлари ҳам 5.100 сўм пул ўтказишди.

Бу мисолларни шунчаки келтирганим йўқ. Шифохонада даволанаётган барча болажонлар Муаззам каби кўмакка муҳтож. Бу кўмакни бериш шифокорлардан ёруғ хоналаргина, билим ва маҳоратнигина талаб қилмайди. Замонавий тиббий асбоблар учун ҳам маблағ керак. (Самарқанд шаҳри, МФО. 733010. код 703000. Вилоят болалар жарроҳлик шифохонаси. Счёт: 000142366).

— Муаззам, нимани жуда-жуда истайсан?

— Тезроқ соғайиб кетишни.

— Сенга нималар олиб келишларини кутасан?

— Менга ҳеч нарса керак эмас. Одамлар керак.

Мурувват кўрсатишга интилайлик.

Муаззамнинг каровати устида ўйинчоқ шерни кўрдим. Совғага олиб келишибди.

— Сенга шернинг кучи, қуввати қайтиб келсин, сингилжон!

Гули ЧЕҲРА,
«Ёш ленинчи» мухбири.

Ҳосил

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИДА ОЧИЛГАН КЎРГАЗМАГА ЖАВЛОН УМАРБЕКОВНИНГ ЮЗТА АСАРИ ҚЎЙИЛГАН.

У тасвирий санъат оламига гўёки шамолдек кириб келди. Ўн тўққиз ёшида «Ҳосил» деб аталган асари учун ўзининг дастлабки мукофотини олди. Беньков номли билим юртининг талабаси ўшанда ёшлар кўргазмасига янги асарини олиб келган ва бу асар шу заҳотиёқ санъатшуносларнинг эътиборини тортган эди. Йигирма тўрт ёшида у «Қўшиқ» деб номланган расмини чизди. Уни кейинчалик Ўзбекистон Давлат санъат музейи сотиб олди. Ижодкор кейинги йиллар ичида қаттиқ меҳнат қилиб кўп асарлар яратди, қатор-қатор мукофотларга сазовор бўлди, унвонлар олди.

Талабалик давридаги кўргазмаси билан ҳозирги шахсий кўргазмасини чорак аср ажратиб туради. Бугунги кунда қирқ тўрт ёшли мўйқалам устаси, Ўзбекистон Халқ рассоми, хизмат кўрсатган санъат арбоби, жумҳурият Ленин комсомоли мукофотининг совриндори бўлган Жавлон Умарбеков катта ижодий йўлни босиб ўтди, У шу давр ичида йирик мусаввирлар У. Тансиқбоев ва А. Волков тажрибасини ўзлаштирди, миллий меъморчилик, миниатюра, нақш санъати билан ошно бўлди, катта-катта, фалсафий асарлар яратди. Кўргазмада рассомнинг шаклланиш босқичлари акс этган. Унга санъаткорнинг турли йилларда яратган юзта ранг-тасвир ва график асарлари қўйилган. Ушбу асарларнинг бир қисми Москвада, Марказий Рассомлар уйида катта муваффақият билан намойиш қилинган эди.

Умарбеков асарларида нималарни акс эттиради?

Ўзбекистон тўғрисидаги асарларида ота-боболаримизнинг яшаб ўтган диёри тўғрисидаги қаҳрамонона воқеалар, ранг-тасвир полотноларида Қирғизистоннинг юксак тоғ чўққилари, Грузия йўлларига шеърий қасида яратилади... Инсоннинг руҳий оламига бағишланган картиналарида у ўзига назар ташлайди, гўёки мен кимман, қаердаман, мен излаб ҳаётга келган ҳақиқат қаерда деяётгандек туюлади...

Санъаткор ҳаётда яхши одамлар билан учрашганидан ўзини бахтли деб ҳисоблайди. Кинематография институтига кирганида ва Ю. Пименов бошчилигида маҳорат мактабини ўтаганда омади келганди. Чингиз Аҳмаров билан учрашиб, унинг маслаҳатига кўра «Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаронинг ёшлиги» асарини яратганида кўнгли қувончга тўлганди. Чингиз Айтматов билан танишиб, унинг ижодини бир умрга севиб қолди.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
ЎзТАГ мухбири.

Муаммолар талайгина

Қишки сарой босиб олинган кун кечқурун В. И. Ленин эндигина Маориф халқ комиссари этиб тайинланган А. В. Луначарскийни чақириб унга: «Диққатингизни энг аввало кутубхонага қаратишга ҳаракат қилинг» дейди. Дарҳақиқат, доҳиймиз мамлакатда кутубхоналар ишининг яхшиланиши учун кўп ғамхўрлик қилган.

Ўрта Осиёда Беруний, Абу Али ибн Сино, Улуғбек сингари алломаларнинг пайдо бўлишида ҳам кутубхоналар катта роль ўйнаган.

Бугунги кунда вилоятимизда ҳам бир қанча кутубхоналар китобхонларга намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Шундай зиё масканларидан бири бўлган Қарши шаҳридаги Пушкин номли марказий кутубхонада бўлсангиз, албатта, бу ишнинг гувоҳи бўласиз.

Бу кутубхона 52 йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу ерда ўқув зали ва ўсмирлар столи мавжуд. Бугунги кунда 76 мингга яқин китоб фонди ва 3300 дан зиёд ўқувчиси бор.

Кутубхонада китобхонлар ўртасида турли хил маданий-оқартув ишларини олиб бориш ҳам яхши йўлга қўйилган. Айниқса, тез-тез ўтказилиб турадиган «Китобхонлар конференцияси» ўқувчиларнинг китобга бўлган меҳрини оширишга катта ҳисса қўшмоқда. Яна шуни қувонч билан айтиш мумкинки, кутубхонада кадрлар масаласи яхши ҳал этилган. Кутубхоначилардан Қумри Норова, Дилором Ҳолова, Гулнора Бўронова, Шоира Давронова, Матлуба Шойқуловалар айниқса яхши хизмат кўрсатмоқдалар.

— Китобни жону-дилдан севадиган китобхонларимиз кўп, — дейди кутубхона мудираси Ропа опа Галиева биз билан суҳбатда. — Политехникум толиби Бахтиёр Усмонов, маданият техникумининг ўқитувчиси Умида Хушвақтова, вилоят туғруқхонасининг ҳамшираси Дилфуза Нурова, вилоят юқумли касалликлар шифохонасининг ҳамшираси Муқаддас Аҳмедовалар шулар жумласидандир. Аммо шундай китобхонлар ҳам борки, улар кутубхонадан олган китобларини ўз вақтида қайтариб топширмайдилар. Булар орасида олий маълумотли ўқитувчилар, муҳандислар ва талабаларнинг борлиги бизни жуда ранжитмоқда. Масалан, Ҳамза номли 23-мактаб ўқитувчиси Раъно Ражабова, вилоят ёнғиндан сақлаш бўлимининг катта муҳандиси Владимир Саркисян, вилоят агросаноат бирлашмаси механизациялашган кўчма колоннасининг монтажчиси Вадим Батурин, Қарши тикув-галантерия фабрикасининг ишчиси Муяссар Сувонова. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Буларнинг ҳар бирида кутубхонанинг 4-5 тадан нодир китоблари турибди.

Биз кутубхона ишлари билан яқиндан танишар эканмиз, бу ерда тез орада ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар ҳам борлигига ишонч ҳосил қилдик.

Биринчидан, бино анча эскириб қолган. Ёзда иссиқ, қишда совуқлигидан китобхонлар ўқув залидаги китоб, рўзнома ва жаридалардан фойдаланишга қийналмоқдалар. Стол, курсилар етишмайди. Яна бир муаммо бу ўзбек тилидаги адабиётларнинг, методик ва бадиий китобларнинг камлигидир. Кутубхонанинг моддий техника базаси ҳам ёмон аҳволда.

Вилоят маданият бошқармаси, Қарши шаҳар ижроия қўмитаси тезкорлик билан бу муаммоларни ҳал қилишлари лозим. Чунки рус совет ёзувчиси К. Паустовский айтганидек, «Эндиликда биз китобсиз на яшашимиз на курашишимиз, на азият чекишимиз, на қувонишимиз, на чуқур эътиқод қўйганимиз — етук ва гўзал истиқбол томон ишонч билан боришимиз ҳам мумкин эмас».

У. НУСУРОВ.

ТВ

30 МАЙ — ЧОРШАНБА

● **ЎзТВ I**

11.30 «Шукшин номидаги...». Телефильм. 11.50 Такрорий фильмлар экрани. «Чилангар Кова». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар. 17.40 «Элибекянлар», «Илҳом». Телефильмлар. 18.30 «Тулкининг товуқлар билан дўстлашгани ҳақида». Қўғирчоқ фильм. 18.50 «Маҳалла — тарбия ўчоғи». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Устоз ва шогирдлар». Мусиқий кўрсатув. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Амалий давра суҳбати». Ўзбекистон ССР Социал таъминот вазирлигининг раҳбарлари телетомошабинлар саволларига жавоб берадилар. 22.00 «Ахборот». 22.20 Абдулла Орипов. «Ранжком». Видеоспектакль. 23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● **ЎзТВ II**

18.05 «Калейдоскоп». Телевизион топишмоқлар (рус тилида). 18.50 «Жуда керакли одам». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия). 20.00 «От спорти муаммолари» (рус тилида).

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Сабзавот конвейери ишчи назоратида». 21.10 «Насият», Жумҳурият фольклор телеконкурси.

● **МТ I**

6.00 «120 минут». 8.05 «Зитарлар оиласи». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия. 9.30 Татаристон АССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. 10.10 «СССР — АҚШ: аср романи». Ҳужжатли фильм. 11.30 «Бу бўлган... бўлганди...» 12.00 «Вақт», Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.15 «Мусиқий хазина». Ж. Гершвин асарларидан концерт. 16.10 «Аргонавтлар». Мультфильм. 16.30 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 17.30 Москва яқинидаги Томилино шаҳри «Барабан» (Милан шаҳри, Италия) ансамблининг концерти. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 «Ҳокимият — Советларга». 19.05 «Зитарлар оиласи». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 21.05 1990 йил қўшиқлари. 22.20 «Чоршанба кунлари бинафшалар ёки санъатни тушуниш санъати». 23.30 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● **МТ II**

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 8.15 Қирғизистон ССР халқ артисти С. Бекмуратова куйлайди. Фрунзе шаҳридан кўрсатилади. 8.40 «Ҳақиқат излаб». Телевизион ҳужжатли фильм (Красноярск). 9.00 «Дўстлар ўртоқлар ҳақида...». Улуғ Ватан уруши ветеранлари халқ хорининг жамоаси билан учрашув. 9.45 Болалар учун фильм. «Мўмин-қобил уччилар» («Беларусьфильм»). 1 ва 2-сериялар. 11.55 «Экранда Сибирь». Киножурнал. 12.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Давлат чегараси». 1-фильм — «Биз янги дунёмизни қурамиз...». 2-серия.

* * *

16.30 Теннис. Франциянинг очиқ чемпионати. Франциядан кўрсатилади. 17.30 Мультфильм. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 18.30 «Интизорлик». В. Успенскийнинг Р. Рождественский шеърига басталаган мусиқий композицияси. Ленинграддан кўрсатилади. 19.00 Информацион программа. Танаффус пайтида (19.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Рекс — қутқарувчи». Мультфильм.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР: ҚАБУЛХОНА — 32-56-56
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ
ИНДЕКС: 64607

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р — 04575. Д. — 23473.